

Намознинг ичидаги дуо ҳақида



19:39 / 14.06.2020 6189

Савол:

Намозда ташаҳхуд ва икки салавотдан кейин «Аллоҳуммағфирлий валивалидайя...» ва «роббана атина фиддуња...» дуоларини ўқиш суннатми? Баъзи муллалар: «Шу дуоларни ўқимаса, тарки суннат бўлади», дейишади, шу гап тўғрими?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ташаҳхудда ўтирганда Набий алайҳиссаломга салавот айтгандан кейин Қуръон ва суннатдагига ўхшаш лафзлар ила дуо қилиш намознинг суннат амалларидандир.

Намознинг ичидаги бу дуода одамлардан сўрайдиган нарсаларни тилаб дуо қилиш жоиз эмас. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

حُبِّ سِتِّ لَوْ هُوَ أَمَّنْ إِيَّانِ لِمَا لَمْ يَكُنْ مِنْ عَيْشِ أَهْلِ فِي حُلُوصِ الْعَالِ صِلَا وَدَهْنِ إِو
دَمَّ حَاقُوا دَوَادُ وَبِأَوْ مِلْسُ مِهْ أَوْرَ . «نَازِقُ الْعَاءِ أَرْقَوْ رِي بَكَّتْ لَوْ

«Албатта, бу намозда одамларнинг каломидан ҳеч нарса мумкин эмас. У фақат тасбеҳ, такбир ва Қуръон қироатидан иборатдир», деганлар».

Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Бизда Набий алайҳиссаломга салавотдан кейин «Аллоҳуммағфирлий» деб бошланадиган машҳур дуони ўқиш одатга айланган.

Валлоҳу аълам.

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан